

АБДУРАЗЗОҚ ОБРҮЙ

РУХСАТ БЕРИНГ,  
ШЕЪР ЎҚИЙМАН

Шеърлар



Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент — 2007

84(5У)6

О-16

Ю 32154 Н 932  
093 016

Обрўй, Абдураззоқ

Рұхсат беринг, шеър ўқийман: Шеърлар /  
Абдураззоқ Обрўй. – Т.: Faфур Ғулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. – 24 б.


Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, истеъдолли шоир Абдураззоқ Обрўй ўзининг лирик шеърлари, пародиялари ва ҳажвий ҳикоялари билан Сиз азиз мухлисларнинг қалбингиздан муносаб жой олгани, севги-муҳаббат, Ватанга садоқат, одамийлик, жавонмардлик каби инсоний туйғуларни мадҳ этувчи шеърлардан тартиб берилган тўпламлари китоб жавонингизни безаб тургани муболага эмас.

Қўлинтиздаги тўпламга ҳам шоирнинг асосан ватанпарварлик мавзусидаги шеърлари киритилган. Умид қиласизки, ушбу шеърлар Сизни ўйлашга, мушоҳада қилишга чорлаш билан бир қаторда, улар қатидан офтобдек чарақлаб чиққан ҳазил-мутойиба лабингизда табассум уйғотади.

ББК 84(5У)6

О 4702620202-15 2007  
М352(04)-2007

© Абдураззоқ Обрўй,  
Faфур Ғулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий уйи,  
2007 й.





## КУЗАТИШ

Азал шундай Ватаннинг шарти –  
Посбон бўлар йигитнинг марди.  
Фақат битта онангнинг дарди –  
Бошинг тошдан, омон бўл, болам!

Мени, юртни жондан суюсан,  
Эркаликни энди қўясан,  
Бугун аскар либос киясан,  
Эзгу ишлар томон бўл, болам!

Тинчлик бўлар кураш туфайли,  
Асли шундай замоннинг зайди.  
Яхшиликка хизмат қил, майли,  
Тўғри мўлжал камон бўл, болам!

Билагингда куч бўлсин бисёр,  
Жоним, постда доим тур ҳушёр,  
Аллоҳ сенга ўзи бўлгай ёр,  
Посбонгинам, омон бўл, болам!

Азал шундай Ватаннинг шарти –  
Посбон бўлар йигитнинг марди.  
Фақат битта онангнинг дарди –  
Бошинг тошдан, омон бўл, болам!

## ДИЛДАН СЕВИБ ЎЗБЕКИСТОННИ

Билаклари кучга тўлишган,  
Ҳар томон-ла роса келишган,  
Дилдан севиб Ўзбекистонни,  
Мард йигитлар ҳарбий бўлишган.

Ҳужум қилмас қўқдан булатлар,  
Қуёш юзин тўсмас булатлар.  
Ҳалқимиз тинч, мусаффо осмон,  
Чин ўғлонлар юртни қўриқлар.

Бири айлар самода парвоз,  
Бири чаққон мисоли дорбоз.  
Ҳарбий касбин устаси бари,  
Бир-биридан ўтишар шоввоз!

Қўргонимиз мустаҳкам синчdir,  
Барқарорлик чексиз севинчdir.  
Ўз постида ҳушёр турганинг,  
Билиб қўйинг, Ватани тинчdir!

Душман бўлар ер билан парча,  
Пешанадан очилар дарча.  
Бир бор бунга уринганларнинг  
Тақдири не, билади барча.

Билаклари кучга тўлишган,  
Ҳар томон-ла роса келишган,  
Дилдан севиб Ўзбекистонни,  
Мард йигитлар ҳарбий бўлишган.

## **РУХСАТ БИЛАН**

*Ҳазил*

Бу мактабда ўзи шундоқ,  
Ҳатто ётиш рухсат билан.  
Автоматдан нишонга-да,  
Ўқ ҳам отиш рухсат билан.

Рухсат билан устингга сен,  
Қандай либос кийишинг ҳам  
Қачон, қандай соатларда,  
Қанча таом ейишинг ҳам.

Чекиши учун командирдан  
Олиш керак аввал рухсат.  
Чиқиши учун шаҳарга ҳам  
Қоғозингни қани кўрсат!

Бирор жойинг оғриса ҳам  
Рухсат бўлса бақиргайсан.  
Фақат тушда севгилингни  
Ҳеч рухсатсиз чақиргайсан.

## **ШУНДАЙ ЙИГИТЛАР КЕРАК**

*Ҳазил*

Армия мактабида  
Чиниқкан кучли билак.  
Ҳар соҳага ҳам асли,  
Шундай йигитлар керак.

Юзларидан нур ёғар,  
Витаминга тўйган у.

Хизматининг сўнггида  
Ҳатто қорин кўйган у.

Машаққатдан кўрқмайди,  
Тайёр турар не деса.  
Омади чопғанлари  
Бўлиб олар мелиса.

Божхонага ҳам у-чи,  
Олар дарров жойлашиб.  
Кўриб қолса танишин,  
Кетинг, дейди, чойлашиб.

Аскар бўлмаган йигит,  
Қўлин қиссанг додлайди.  
Хизмат қилган йигитни  
Қизлар жон деб хоҳлайди.

Хуллас, хизмат қилганнинг,  
Қўлларидан маҳкам тут.  
Қиз бола касал бўлса,  
Давоси аскар йигит.

Армия мактабида  
Чиниқсан кучли билак.  
Куриш учун оила  
Шундай эр йигит керак.

### ЭНГ ЗАРУР ҚУРОЛ

*Ҳазил*

Авайлайли, асрайди,  
Тозалар ҳар кун уч бор.

Ёнимда бўлса, дейди,  
Демак, менда зўр куч бор.

Ишонмайди ҳеч кимга,  
Қўл тегизса қўймайди.  
Суқ билан боққанларни,  
Кўрса жини суймайди.

Иш қуролинг соз бўлса,  
Машаққатинг оз, дейди.  
Бизнинг ушбу қуролга  
Ёв ҳам ишқибоз, дейди.

Бундай садоқат йўқдир  
Ҳатто ошиқ-маъшуқда.  
Аскарнинг зўр қуроли,  
Билсанг, катта қошиқда.

### АСКАРНИНГ ЮЗИ

Туриб-туриб гоҳо бирдан,  
Чуқур нафас тортади.  
Чўнтағида доим латта,  
Гард юқса ҳам артади.

У томонга қараб кўрар,  
Бу томонга қарайди.  
Кўнгли агар тўлмасами,  
Тили билан ялайди.

Кўриниши керак унда,  
Тушса агар акси ҳам.  
Бундайин ялтирамас,  
Ҳатто кўнли маҳси ҳам.

Кундузми ё кечаси,  
Бормасин у қаёққа.  
Жони тошдан шу дўстини,  
Кийиб олар оёққа.

Қор, ёмғирга ҳам чидайди,  
Пойафзалнинг кучлиси.  
Билмасангиз, билиб қўйинг,  
Аскар йигит туфлиси.

## ОТАНИНГ ЎЕЛИГА ДЕГАНЛАРИ

Тўйиб симир юрт ҳавосин,  
Қониб эшит куй, навосин,  
Топа билгин дард давосин,  
Зўр паҳлавон бўлай десант.

Қадамингни ташла олға,  
Ўзни эзгу ишга чоғла,  
Яхшиларга кўнгил боғла,  
Юртга посбон бўлай десант.

Ишлатма «От!» деган сўзни,  
Эшитма «Дод!» деган сўзни,  
Унутгин «ёт» деган сўзни,  
Жасур ўғлон бўлай десант.

Ўзбекистон Ватанимиз,  
Удир бизнинг жон-танимиз.  
Ҳимоя қил ор-шаънимиз,  
Онтга содиқ бўлай десант!

Буюк неъмат – Мустақиллик,  
Енгар доим зўр аҳиллик,  
Бахти бўлгин, бўл ақлли  
Элга содиқ бўлай десант!

## АСКАРНИНГ ТИЛАКЛАРИ

Бақувватдир билакларим,  
Эзгу менинг тилакларим.  
Автоматлар отилмасин,  
Хеч бир қурол сотилмасин.  
Майли дейман күпайсин банк,  
Ҳаракатга келмасин танк.  
Күргазмада турсин тұплар,  
Келиб күрсін уни күплар.  
Уруш номи ўчиб кетсин,  
Ер юзидан күчиб кетсин.  
Йигит бўйлар қиз бор уйга,  
Кутинг, айтар тезда тўйга.  
Фақат тинчлик замон бўлсин,  
Ҳамма одам омон бўлсин.  
Ёмон кўргум баҳилликни,  
Мен севаман аҳилликни.  
Ҳимояни пухта қилдик,  
Омон бўлсин Мустақиллик!  
Бақувватдир билакларим,  
Эзгу менинг тилакларим.

## АСКАРГА

Гапимни қулоққа илиб олинг, аскарлар,  
Барча қоидани билиб олинг, аскарлар.  
Армияда муҳими: тартиб билан интизом,  
Ҳаракат қилинг фақат талаб қилғандай Низом.  
Турнадай тизилгайсиз тез, «Сафлан» дейилганида,  
«Хўп бўлади», дегайсиз бошлиқ буюрганида.  
Жонингизнинг борича «Ютур!» деса чопгайсиз,  
Ўзингизнинг яширин кучингизни топгайсиз.

Барча хатти-ҳаракат солинар доирага,  
Энди сиз мансубсиз аскар деган оиласага.  
Осон эмас аскарлик, бўйсунишdir одати,  
Тур деганда тургайдир, ёт деганда ётади.  
Аввало эътиборни либосга бир қаратсак,  
Юриш-туриш, кийинишида мўъжиза яратсак.  
Битта гапни қулоққа дарҳол тез уқингда хўп,  
Ёқангизга доим тоза ёқа тикингда, хўп.  
Шахсий гигиенага қилгайсиз қатъий риоя,  
Хизмат кўпмас, бор-йўғи бир йил – ўн икки ой-а!  
Ватан сизга ишонар, Сиз Ватанинг посбони,  
Ошаверсин оламда ўзбекнинг шараф-шони.  
Ватансизлар, айтинг, бош ургайлар қаёққа,  
Ўзбекистон деганда қалқмоқ керак оёққа.

## ВАТАН

Ватан нима, юрт нима, яхши билмоқ керакдир,  
Ватан бу кўксимиизда уриб турган юракдир.  
Йигит асли шу юртни қўриқлай деб туғилгай,  
Бу юртнинг тупроғида чўп қадаса ҳам унгай.  
Ахир бизнинг томирда оқмоқда-ку қутлуғ қон,  
Танимиздаги кучни дейсиз гўёки вулқон.  
Темур Малиқ, Тўмарис қони бизнинг қондадир,  
Буюк Соҳибқироннинг жони бизнинг жондадир.  
Мирза Бобур бобомнинг руҳи қўллаб тургайдир,  
Ўзбекистон ҳур диёр, мангу гуллаб тургайдир.  
Ибн Сино бобомлар-ку соғлигимизга посбон,  
Улугбекнинг иш жойи мусаффо ва тинч осмон.  
Фарғоний бобомлар ҳам қайтиб келди сафардан,  
Бу юртда тўй бошланар ҳар кун эрта саҳардан.  
Хоразмий мамнун бўлиб ютуқни чўтга ташлар,  
Кўролмаслар бир четда, лол, ҳайрон, бошин қашлар.

Шоир Усмон Носирнинг жўицинлиги биздадир,  
Чўлпон, Фитратнинг ақли ҳар бир ўғил-қиздадир.  
Бундай буюк инсонлар айтинг яна қайда бор,  
Юракларни забт этган ғуур билан ифтихор.  
Дўст тутинган ҳамиша улар фақат ҲАҚ билан,  
Фаҳрланмай бўлурми ЎЗБЕК деган халқ билан.  
Қўриқчиси ўзим деб кўкрак кериб, нидо қил,  
Шундай элга доимо жонингни ҳам фидо қил.  
Ватан нима, юрт нима, яхши билмоқ керакдир,  
Ватан бу кўксимиизда уриб турган юракдир.  
Йигит асли шу юртни қўриқлай деб туғилгай,  
Бу юртнинг тупроғида чўп қадаса ҳам унгай.

### ОТА-ОНА

Ўзи емай, фарзандга едирган ота-она,  
Ўзи киймай, фарзандга кийдирган ота-она.  
Болам одам бўлсин деб, мاشаққатдан қочмаган,  
Ҳатто қисир сигирни ийдирган ота-она.  
Тикан кирса шу заҳот киприк билан олишган,  
Кечга қолсанг озгина дарҳол излаб қолишган.  
Кимки ноҳақ ранжитса, аямаган сира ҳам,  
Тутиб олиб кўчада сану манга боришган.  
Бурун қонаб, лаб шишиб сен келсанг гоҳ уйга,  
Биласанми, тушишган улар қандайин кўйга.  
Топган-тутганин йиғиб бисот тўплаб қўйишган,  
Эрта буларнинг бари керак бўлар деб тўйга.  
Ҳатто қўшни қизни ҳам олишган кўз остига,  
Бир имо қилсанг бас, тўй бошланар ростига.  
Ўзбек ўзи шунаقا, дастурхони очиқ халқ,  
Очиқ кўнгил, очиқ қўл, тўй қилар қастма-қастига.  
Сен постда ҳамиша ҳушёр турсанг бўлгани,  
Келиб қолар бир куни тўлиб-тошиб кўргани.

Ота-онанг шаънини баланд тутгин доим,  
Ғалабага интилиб, қадам ташла, юр, қани!  
Улар жуда шод-хуррам: Ўғлим аскар бўлган деб,  
Қўлида суратинг: Роса кучга тўлган деб.  
Маҳаллада дув-дув гап, ошпазлар ҳам шай ҳолда,  
Қизлар келин бўлмоқчи: армияни кўрган деб.  
Аъло қилиб хизматни, ёруғ юз-ла қайтиб кел,  
Файрат сифмай танингта, майли, жўшиб қайтиб кел.  
Келишингга кўзини тиккан қизлар жуда кўп,  
Биттасини номини қўшиқ қилиб айтиб кел.  
Ўзи емай, фарзандга едирган ота-она,  
Ўзи киймай, фарзандга кийдирган ота-она.  
Болам одам бўлсин деб, мاشаққатдан қочмаган,  
Ҳатто қисир сигирни ийдирган ота-она.

### ҚАСАМЁД

Шохи синса ҳўқизнинг, майли,  
Сўзидан ҳеч қайтмайди, йигит.  
Тураг доим жон қулоғида  
Боболари айтган ҳар ўгит:  
Йигит учун баёт, Қасамёд,  
Йигит учун ҳаёт, Қасамёд!

Яшаш оғир, яшаш қийиндири,  
Ёлғонларга ўч бу дунёда.  
Билимнинг ҳеч чегараси йўқ,  
Маънавият куч бу дунёда.  
Йигит учун маёқ, Қасамёд,  
Йигит учун байроқ, Қасамёд!

Постда доим ҳушёр бўлиб тур,  
Ҳар бир ўқинг тегсин нишонга.  
Бошингга не кулфат тушмасин,

Суян фақат Ҳаққа, виждонга.  
Йигит учун шаңндири, Қасамёд,  
Йигит учун қондир, Қасамёд!

Юрт корига ярасин дея,  
Отанг, онанг қилар илтижо.  
Маҳкам боғла белда камарни,  
Ватанни сен дилга қилгин жо.  
Йигит учун жон, тан, Қасамёд,  
Йигит учун Ватан, Қасамёд.

Шохи синса ҳўкизнинг, майли,  
Сўзидан ҳеч қайтмайди, йигит.  
Турар доим жон қулоғида  
Боболари айтган ҳар ўгит:  
Йигит учун баёт, Қасамёд,  
Йигит учун ҳаёт, Қасамёд!

### ПОЛИГОН

Машқларда топлангайсан,  
Эй посбон, эй посбон, эй посбон.  
Сени чорлар ўз бағрига,  
Полигон, полигон, полигон.  
Ҳеч бир ўқинг бехато,  
Кетмасин, кетмасин, кетмасин.  
Маҳоратда сенга ҳеч ким,  
Етмасин, етмасин, етмасин.  
Юз отнинг кучи бўлсин,  
Билакда, билакда, билакда.  
Файрат жўш уриб турсин,  
Юракда, юракда, юракда.  
Порох ҳидин окопда,  
Майли туй, майли туй, майли туй.  
Чўғдай иссиқ офтобда,

Майли куй, майли куй, майли куй.  
Таралсин атрофингга,  
Тер ҳиди, тер ҳиди, тер ҳиди.  
Соҳибқирон машқ керак,  
Дер эди, дер эди, дер эди.  
Завқ берар тобланишнинг  
Чарчоги, чарчоги, чарчоги.  
Машқда пиш, осон бўлар,  
Жанг чоги, жанг чоги, жанг чоги.  
Ватанимиз қўрғони  
Синч бўлсин, синч бўлсин, синч бўлсин!  
Ниятимиз ер юзи  
Тинч бўлсин, тинч бўлсин, тинч бўлсин!

## КИТОБ

Кўп нарсани билай деган, китоб ўқир,  
Кенг дунёни кўрай деган, китоб ўқир.  
Аҳдни қучиб, бахтни қучиб, бу оламда  
Давру даврон сурай деган, китоб ўқир.

Китобдадир билимларнинг асл қаймоғи,  
Ким ўқимас, осон йўлдан тез тоймоғи.  
Мутолаага зўр берса кимки агар,  
Шу бўлар одамнинг маънавий бойроби.

Кўнгилларга йўл топиш ҳам китобдандир.  
Гўзалларга гул топиш ҳам китобдандир.  
Кучингни кўп пеш қилмагин, эй нодон,  
Бу дунёда пул топиш ҳам китобдандир.

Осмонга ҳам учса бўлар китоб билан,  
Юлдузни ҳам қучса бўлар китоб билан.  
Ҳаёт сирли, ҳаёт аччиқ, ҳаёт ширин,  
Яшаш гўзал қисса бўлар китоб билан.

Тинчликнинг зўр қалити бор қатларида,  
Эзгуликдир, адолатдир шартларида.  
Тўғри йўлни топган доим китоб ўқиб,  
Китобга ўч ўзбегимнинг мардларида.

Кўп нарсани билай деган, китоб ўқир,  
Кенг дунёни кўрай деган, китоб ўқир.  
Аҳдни қучиб, бахтни қучиб, бу оламда  
Давру даврон сурай деган, китоб ўқир.

### АРМИЯДАН ҚАЙТГАН ЙИГИТ

Темир дейсиз билаклари,  
Юзидан ёғ томиб тураг.  
Қаранг, қандай ҳаракати,  
Шахдам қадам ташлаб юраг.  
Уйга ўт, деб айтган йигит,  
Армиядан қайтган йигит.

Тез қиласи ишни жуда,  
Гапиради дадил-дадил.  
Муаммога дуч келса ҳам,  
Хулосаси тўғри, одил.  
Фикрин аниқ айтган йигит,  
Армиядан қайтган йигит.

Чиникиди хўп аскарликда,  
Дангасалик ундан қочган.  
Ишлай деса соҳа талай,  
Бари унга қучоқ очган.  
Ўқийман деб айтган йигит,  
Армиядан қайтган йигит.

Жондек құшнин шаддод қизин,  
Құлин маңкам ушлайин дер.  
Келин шу деб, ота-онам,  
Күнгилларин хушлайин дер.  
Бизни түйга айттан йигит,  
Армиядан қайттан йигит.


## ҮЗЛИК

Омон-омонга етдик,  
Хур бир замонга етдик.  
Қаддимиз тик күтариб,  
Дүппи, чопонга етдик.  
Бу бошлар не күрмади,  
Бахтимиз ҳеч кулмади.  
Заминимизни топтаб,  
Кимлар ахир юрмади.  
Мени йўлим йўл, деди,  
Мажбур қилиб кул, деди.  
Менга бериб турсанг бас,  
Олтин билан пул, деди.  
Унут, деди, отангни,  
Ишлат, деди, онангни.  
Бўлмаса кўрсатамиз,  
Учқўргондан холангни.  
Бўйнимиздан боғлаб ип,  
Қўлларида таёқ, чўп,  
Кийиб қора шляпа,  
Буйруқ қилди бизга хўп.  
Мана, келди озодлик,  
Юртимизда ободлик.  
Энди мангу тарк этмас,  
Бизни дўстлар, баҳт-шодлик.

Дўппидир муқим бошда,  
Ҳаловат кекса-ёшда.  
Бир асрлик иш қилди,  
Истиқлол ўн беш ёшда.  
Ғайрат синган жон-танга,  
Ҳурмат баланд акангга.  
Айланай, Истиқлолдан,  
Жоним фидо Ватангга.  
Ҳурлик деган алп билан,  
Ишлайпмиз қалб билан.  
Буюк давлат қурамиз,  
Ўзбек деган ҳалқ билан.  
Омон-омонга етдик,  
Ҳур бир замонга етдик.  
Қаддимиз тик кўтариб,  
Дўппи, чопонга етдик.

### ЙИГИТ СЎЗИ

Атрофимда сулув қизлар,  
Ўт чақнайди тушса кўзлар.  
Лекин нега кўнгил бўзлар,  
Бошқага ҳеч кўнглим йўқ-да.  
Биттаси бор чаққон эмиш,  
Ҳаммага хўл ёққан эмиш,  
Менга зимдан боққан эмиш,  
Бошқага ҳеч кўнглим йўқ-да.  
Биттасининг дадаси зўр,  
Сурув-сурув подаси зўр,  
Менинг эса кўзларим кўр,  
Бошқага ҳеч кўнглим йўқ-да.  
Қизин мақтар онаси ҳам,  
Тоға, хола, аммаси ҳам,



Куриб кетсин ҳаммаси ҳам,  
Бошқага ҳеч кўнглим йўқ-да.  
Хат юборар укасидан,  
Тошкентнинг у Бўкасидан,  
Бўлсин дунё чеккасидан,  
Бошқага ҳеч кўнглим йўқ-да.  
Бу кун ўтиб кетар деди,  
Бошингта уй битар деди,  
Сўққабошлик етар деди,  
Бошқага ҳеч кўнглим йўқ-да.  
Ишқим тушган ул санамга,  
Дардим айтдим мен онамга,  
Нима бўлган дер боламга,  
Бошқага ҳеч кўнглим йўқ-да.  
Аввал роса кутибди у,  
Эрга тегиб кетибди у,  
Ахир нега этибди у,  
Бошқага ҳеч кўнглим йўқ-да.  
Яшай энди ёди билан,  
Севгимнинг фарёди билан,  
Учрашманг мен боди билан,  
Бошқага ҳеч кўнглим йўқ-да.

## ЎЗБЕКНИНГ ЭРКАКЛАРИ

*Ҳазил*

Куруқ келса уйига гар  
Бўғар унинг хотини.  
Тегиб кетса этаги гар  
Туғар унинг хотини.  
Ҳаммасига чидайли-да.

Ўзбекнинг эркаклари.  
Фақат баҳтдан сўзлайди-да,  
Ўзбекнинг эртаклари.  
Жуда яхши билади у,  
Қанчалигин чақаси.  
Болалари нечта, айтмас,  
Учар деб баракаси.  
Тишининг кавагида  
Авайлар топганини.  
Меҳмон келса борин сочиб,  
Кўрганман чопганини.  
Аллоҳ ўзи яратгандир,  
Кундузи, кечасини,  
Билмадим, ким ўйлаб топган,  
Оила режасини.  
Ўнта бўлса ўрни бошқа,  
Халқда шундай бор-ку нақд.  
Аёлига ҳам ўзбекнинг  
Ушбу ҳикмат хўп маъқул.  
Ўзбек ўзи шунаقا-ку,  
Бағрикенг, болажон халқ.  
Бир майизни қирқ бўлиб ер,  
Ҳаммага жонажон халқ.  
Аллоҳ ўзи бериб турса,  
Қарши чиқар ким, айтинг?!  
Ёлғон сўзга учганларим,  
Аслингизга тез қайтинг!  
Куруқ келса уйига гар  
Бўғар унинг хотини.  
Тегиб кетса этаги гар  
Туғар унинг хотини.

## ХАЙРЛАШУВ

Хизматнинг охирги куни,  
Бугун-чи нуқта қўяман.  
Ўн йил хизмат ортда қолди,  
Нуқтани пухта қўяман.  
Севинчларим чексиз эди,  
Кийганимда ҳарбий либос.  
Ҳар касбда ўзин топгай,  
Кимда бўлса дилда ихлос.  
Постда турган посбонларнинг  
Жасоратин ёздим тўлиб.  
Мана энди танилдим мен  
Элга ҳарбий мухбир бўлиб.  
Чет элларга чиқиб келдим,  
Кўриб келдим Американи.  
Ўзбекистон ҳур диёrim,  
Каминанинг жон ва тани.  
Кўриб келдим японларни,  
Катта экан армияси.  
Техникадан устун эрур  
Юртимнинг от ва туяси.  
Туркияда меҳмон бўлиб,  
Кўриб келдим Анқарани.  
Сафарларда кезиб роса,  
Ўргандим хўп оқ-қорани.  
Ўзбегимнинг ўғлонлари,  
Ҳеч кимдан ҳеч кам бўлмаган.  
Ютиб чиққан ҳар курашда,  
Кўзида ҳеч нам бўлмаган.  
Хурлигимиз кўролмайин,

Тош отганлар ҳам бўлди-ку.  
Зўрлигимиз билгандан сўнг,  
Тошқотганлар ҳам бўлди-ку.  
Постда огоҳ турар бугун  
Сараларнинг саралари.  
Озод Ватан қучогида  
Ўзбекистон болалари.  
Сафдошларим Азим Усмон,  
Ёшин Ҳаким, Сафар Али.  
Ёзганига қойил қолиб,  
Ўқувчилар дейди: Балли!  
Инобату Зулфиялар,  
Сафимиздан олишган жой.  
Аҳорор, Комил, Тўлқинбойлар,  
Гижинглаган мисоли той.  
Нигораҳон кеча келиб,  
Ёзаяпти тўлиб-тўлиб.  
Гулнораҳон ёзганини  
Чоп эттирап бўлиб-бўлиб.  
Хуллас, ҳарбий журналистлар,  
Хизмат қиласи сўзи билан.  
Бир олам-ай завқ оласиз,  
Сўзлашсангиз ўзи билан.  
Ниятим йўқ юрагимда  
Улар билан хайрлашиш.  
Мени олдда кутмоқдадир,  
Балки кичик, балки зўр иш.  
Ўн йил нима, ўтди-кетди,  
Сув оққандек йўли билан.  
Ҳар ким ўзин тақдирини  
Яратади қўли билан.

Үн йил ҳарбий соҳала мен  
Хизматни зўр, ўхшатдим-да.  
Пайти келди, бўлди энди,  
Ёшларга жой бўшатдим-да.  
Хизматнинг охирги куни,  
Бугун-чи нуқта қўяман.  
Үн йил хизмат ортда қолди,  
Нуқтани пухта қўяман.



## **МУНДАРИЖА**

|                                 |    |
|---------------------------------|----|
| Кузатиш .....                   | 3  |
| Дилдан севиб Ўзбекистонни ..... | 4  |
| Рұхсат билан .....              | 5  |
| Шундай йигитлар керак .....     | 5  |
| Энг зарур курол .....           | 6  |
| Аскарнинг юзи .....             | 7  |
| Отанинг ўғлига деганлари .....  | 8  |
| Аскарнинг тилаклари .....       | 9  |
| Аскарга .....                   | 9  |
| Ватан .....                     | 10 |
| Ота-она .....                   | 11 |
| Қасамёд .....                   | 12 |
| Полигон .....                   | 13 |
| Китоб .....                     | 14 |
| Армиядан қайтган йигит .....    | 15 |
| Ўзлик .....                     | 16 |
| Йигит сўзи .....                | 17 |
| Ўзбекнинг эркаклари .....       | 18 |
| Хайрлашув .....                 | 20 |

*Адабий-бадиий нашр*

## **АБДУРАЗЗОҚ ОБРҮЙ**

### **РУХСАТ БЕРИНГ, ШЕЪР ЎҚИЙМАН**

*Шеърлар*

Муҳаррир *Илҳом Зойир*

Мусаввир *Рустам Зуфаров*

Бадиий муҳаррир *Anatolij Bobrov*

Техник муҳаррир *Tатьяна Смирнова*

Мусаҳҳих *Фотима Ортиқова*

Компьютерда саҳифаловчи *Зилола Маннопова*

**ИБ № 4389**

Босишга 03.01.07 й. да рухсат этилди. Бичими 70x90<sup>1/2</sup>м.

Таймс гарнитураси. Офсет босма. 0,88 шартли  
босма тобоқ. 1,0 нашр тобоғи. Жами 1000 нусха.  
4 рақамли буюртма. 14—2006 рақамли шартнома.  
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
Ғафур Фулом номидаги нашириёт-матбаа ижодий уйи.  
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
100128, Тошкент, Усмон Юсупов кўчаси, 86.